
Данғара туманида “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Данғара туманида “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда секторлар раҳбарлари, илғор фермер ва дехқонлар, механизаторлар, сувчилар, тажрибали томорқа ер эгалари, соҳага хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва қайта ишлаш корхоналари вакиллари иштирок этди.

Байрам тантаналарида туман ҳокими сўзга чиқиб, жорий йилда тумандаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш кўрсаткичлари, соҳани инновацион ривожлантириш, ҳудудларнинг экспорт имкониятларини ошириш борасида қўлга киритилган ютуқларга тўхталиб, барчани байрам билан муборакбод этди.

Тадбирда бир гурух қишлоқ хўжалиги соҳаси, хизмат кўрсатувчи, таъминотчи, қайта ишлаш тармоқлари ходимлари фермер хўжалиги раҳбарларининг самарали меҳнати, эришган ютуқлари, соҳанинг ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун туман ҳокимлигининг фахрий ёрликлари, қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Тадбирда туман маданият бўлими ходимлари ҳамда юртимизнинг таниқли санъаткорлари томонидан ижро этилган куй қўшиқлар байрамга ўзгача руҳ баҳш этди.

2024-12-24 19:26:21